

**“Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат  
қилиш тартиби тўғрисида”ги  
Низом**

Тошкент – 2017

## **Мундарижа**

<b>1. АТАМАЛАР ВА ТАВСИФЛАР .....</b>	<b>3</b>
<b>2. Умумий қоидалар.....</b>	<b>4</b>
<b>3. Банкнинг мансабдор шахслари томонидан ҳаракатлар ва битимлар амалга оширилганида ҳамда улар томонидан ахборот ошкор этилганида манфаатлар қарама-қаршилигининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш .....</b>	<b>6</b>
<b>4. Банкдаги мансабдор шахсларнинг манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келгани ҳақида Кузатув кенгашини хабардор қилиши бўйича мажбуриятлари .....</b>	<b>7</b>
<b>5. Банкнинг мансабдор шахслари томонидан ҳаракат ва битимлар амалга оширилганида ҳамда ахборот ошкор этилганида манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келиши эҳтимолининг олдини олиш .....</b>	<b>8</b>
<b>6. Манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазиятларни бартараф этиш регламенти .....</b>	<b>10</b>
<b>1-Илова. Манфаатлар қарама-қаршилигига мисоллар.....</b>	<b>13</b>
<b>2-Илова. Манфаатлар қарама-қаршилиги эҳтимоли ҳақида ариза .....</b>	<b>15</b>
<b>3-Илова. Битимни амалга оширишга сўров .....</b>	<b>18</b>
<b>4-Илова. Манфаатлар қарама-қаршилиги эҳтимоли тўғрисидаги имзоланган аризаларнинг ҳисоби .....</b>	<b>19</b>

## I. Атамалар ва тавсифлар

1.1. **Шахсий/ўз позицияси** – Банк ходимининг мулкида ва/ёки Банк ходими қариндошининг мулкида ва/ёки у билан боғланган юридик шахсларнинг мулкида бўлган Банк ходимининг молиявий активлари.

1.2. **Комплаенс** (ингл. «compliance») – банк томонидан ўрнатилган қонунчилик ҳамда ваколатли орган ва профессионал уюшмалар томонидан белгиланган қоидалар, кодекслар ва стандартлар ҳамда банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритиш тамойили.

1.3. **Манфаатлар қарама-қаршилиги** – молия ва товар бозорлари субъектларининг мулкӣ ва бошқа манфаатлари орасидаги зиддият бўлиб, бунинг натижасида бир томоннинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги бошқа томонга зарар келтиради (ёки фойданинг пасайишига олиб келади) ёки ўзга салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Кўп ҳолларда манфаатлар қарама-қаршилиги шахсий ва профессионал манфаатлар орасидаги зиддиятлар асосида юзага келади. Мазкур Сиёсат мақсадларида ички зиддиятлар, масалан, бўлинмалар ёки ходимлар орасидаги зиддиятлар манфаатлар қарама-қаршилигига кирмайди. Ходимлар ўртасидаги ички зиддиятлар «Ходимларнинг касб одоб-ахлоқи қоидалари ва муомала маданияти Кодекси» доирасида, бўлинмалар орасидаги зиддиятлар эса Банк томонидан ўрнатилган тартибда ҳал этилади.

1.4. **Қимматли қоғозлар билан битимлар** – қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотиш, ҳадя қилиш, мерос қилиб олиш, уларни қимматли қоғозлар эгаларининг ўзгаришига сабаб бўладиган устав фондига киритиш ҳамда қимматли қоғозларни гаровга бериш.

1.5. **Молия ва товар бозорларидаги амалиётлар** – қимматли қоғозлар, молиявий ҳосила воситалари, валюталар, қимматбаҳо металллар ва активларнинг ўзга турлари билан амалга ошириладиган амалиётлар.

1.6. **Банк бўлинмалари/Банкнинг тузилмавий бўлинмалари** – белгиланган операцияларни бажарадиган ҳамда ўзларига юкланган вазифа ва мажбуриятларни бажариш учун жавоб берадиган Банкнинг тузилмавий бирликлари ва унга кирувчи ходимлар.

1.7. **“Хитой деворлари” тамойили** (ингл. «chinese walls») – бизнес-жараённи ёки бир нечта бизнес-жараённинг ўзаро алоқасини ташкил этиш тамойили бўлиб, бунда ҳар бир бизнес-жараён учун ёки бир нечта бизнес-жараён учун ахборот чегараланган бўлади, ахборотнинг ўзи эса фақат белгиланган қоидалар бўйича узатилади.

1.8. **Мижознинг ҳақиқий эгаси** - юридик шахс - мижознинг мулкдори ёки уни назорат қилувчи шахс, яъни амалга ошириладиган операциядан манфаат кўрадиган мижоз ва (ёки) бошқа юридик шахсга нисбатан мулкӣ ёки назорат ҳуқуқига эга бўлган бир ёки бир неча шахслар<sup>1</sup>.

1.9. **Банк ходимининг қариндошлари** – ходим билан бир уйда истиқомат қилувчи аждодлар шажараси ва авлодлар шажараси бўйича тўғридан-тўғри қариндошлар (ота-она ва болалар, бувилар, боболар ва неваралар), тўлиқ аймоқли

---

<sup>1</sup>“Тижорат банкларида жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 23 майда 2886-сон билан рўйхатга олинган)

ва тўлиқ бўлмаган аймақли (умумий ота ёки онага эга) ака-укалар ва опа-сингиллар, турмуш ўртоғи ва турмуш ўртоғининг ота-онаси, шунингдек молиявий аҳволи ходимга боғлиқ бўлган ёки ходим уларга нисбатан молиявий қарамликда бўлган бошқа оила аъзолари.

1.10. **Банк Раҳбарияти** – Банк Кенгаши, Банк Бошқаруви ва Бошқарув Раиси.

1.11. **Алоқадор юридик шахс** – Банк ходими ёки Банк ходимининг қариндоши иштирокчи, қимматли қоғозларнинг эгаси, бенефициар эгалик қилувчи (Мижознинг ҳақиқий эгаси), якка ижрочи орган, ваколатли вакил, юридик шахснинг Директорлар кенгаши ёки коллегиял ижрочи органи аъзоси бўлган Банкда Мижоз ёки контрагент ҳисобланган ёки шундай бўлишни режалаштираётган юридик шахс.

1.12. **Комплаенс стандартлари** – бажарилиши қўлланадиган қонунчилик, бизнесни юритиш бўйича энг яхши халқаро амалиётлар ҳамда Банкнинг ички норматив ва буйруқ ҳужжатларининг талабларига амал қилишни кафолатлайдиган Банк бизнес-жараёнларини ташкиллаштиришга қўйиладиган талаблар мажмуини белгилайди. Комплаенс стандартлари Банкнинг барча бўлинмаларида амалга ошириш учун мажбурий.

1.13. **Банк трейдерлари** – лавозими бўйича вазифаларига Банк номидан ва Банк ҳисобидан, Банк номидан ва Мижоз ҳисобидан, Мижоз номидан ҳамда Мижоз ҳисобидан ва Мижоз(лар)нинг топшириғи бўйича ёки ишонч асосида бошқарилаётган мижознинг муассиси(лари) маблағи ҳисобидан бевосита савдо амалиётларини бажариш.

## II. Умумий қоидалар

2.1. Банк фаолияти, қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолият ҳамда молия ва товар бозорларидаги бошқа фаолият турлари манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келиши билан бирга кечиши мумкин. Банк ва унинг ходимлари томонидан ўз фаолиятини ошириш жараёнида юзага келадиган манфаатлар қарама-қаршилигини олдини олиш ва уни бартараф этиш Акциядорлик-тижорат “Алоқабанк” (қуйида – “Банк”)нинг устувор комплаенс-назорат йўналишларидан бири ҳисобланади.

2.2. Банкнинг “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида” Низом (қуйида – “мазкур Низом”) доирасида манфаатлар қарама-қаршилиги деганда Банк ва (ёки) унинг ходимлари ва (ёки) бир ва ундан ортиқ Мижозлари орасидаги бевосита ёки билвосита зиддият бўлиб, бунинг натижасида бир томоннинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги бошқа томонга салбий оқибатларни келтириши (зарарлар, қўлдан бой берилган фойда ва ҳ.к.) мумкин.

2.3. Оддий хўжалик фаолияти доирасида тижорат шартлари бўйича музокаралар чоғида юзага келадиган манфаатлар зиддияти манфаатлар қарама-қаршилиги ҳисобланмайди. Бунда оддий хўжалик фаолиятини амалга ошириш шартлари ошкор этилган бўлади ёки музокаралар томонига олдиндан маълум бўлиши керак бўлади.

2.4. Манфаатлар қарама-қаршилигини ошкор этиш ва уни бошқариш мақсадлари:

а) Мижозлар ва ҳамкорлар томонидан Банкка бўлган ишончнинг ошиши, Мижозларга адолатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш ҳамда очиқлик,

шаффофлик ва олдиндан билиш тамойиллари асосида корпоратив бошқаришнинг олий стандартларига амал қилиш;

б) Банкнинг халқаро обрўсини ошириш учун халқаро стандартлар ва илғор амалиётларга мувофиқ бўлиш;

в) эҳтимолий манфаатлар қарама-қаршилиги ҳақидаги ахборотни ошкор этиш тамойилларини, мавжуд манфаатлар қарама-қаршилиги шароитларида бошқарувчилик қарорларини қабул қилиш механизмларини ҳамда Банк ходимларининг хатти-ҳаракат нормаларини белгилаш;

г) Банк ходимларига манфаатлар қарама-қаршилигини аниқлаш, уни бошқариш ва бартараф этиш бўйича Банк томонидан кўрилатган чоралар тўғрисидаги умумий маълумотни тақдим этиш, шунингдек бундай низоларни ҳал этишнинг энг мақбул усулларини белгилашда Банк ходимларига ёрдам бериш;

д) Банк амал қилиши мажбурий бўлган манфаатлар қарама-қаршилигини бошқаришнинг минимал стандартларини белгилаш.

2.5. Манфаатлар қарама-қаршилиги бозор муносабатларининг қуйидаги иштирокчилари орасида бўлиши мумкин:

а) Мижоз ва Банк ўртасида;

б) Банк Мижозлари ўртасида – Мижозлардан (Мижозлар гуруҳидан) бирининг манфаатлари бошқа Мижознинг манфаатлари билан зиддиятга киришадиган вазиятлар;

в) Банк Мижозлари ва ходимлари ўртасида;

г) Банк ва унинг ходимлари ўртасида;

д) Банкни бевосита ёки билвосита назорат қилувчи шахс ва Мижоз ўртасида;

е) Банк билан алоқадор шахс ва Мижоз ўртасида.

2.6. Манфаатлар қарама-қаршилигига бошқа мисоллар мазкур Низомнинг 1-илоvasида келтирилган.

2.7. Банк ходимларига манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган ҳеч қандай фаолиятга рухсат берилмайди. Агар манфаатлар қарама-қаршилигига муқаррар бўлса, ушбу ҳолат ходим томонидан ошкор этилиши ва ходимнинг бевосита раҳбари ва Комплаенс-менежер/Банк Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси (мустақил аъзолари) билан мувофиқлаштирилиши керак. Юзага келган манфаатлар қарама-қаршилиги бевосита раҳбар ва Комплаенс-менежер томонидан ошкор этилган ва мувофиқлаштирилган тақдирда, манфаатлар қарама-қаршилиги Банкнинг ички норматив ҳужжатларида белгиланган тартибларга мувофиқ бошқарув объектига айланади.

2.8. Банк ходими ва Банк ўртасида манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келган тақдирда, Банк манфаатлари устувор ҳисобланади.

2.9. Банкнинг ҳар бир ходими унинг шахсий манфаатлари лавозим йўриқномаси, Банкнинг мақсадлари ва Мижозларнинг манфаатлари билан қарама-қарши келмаслигини кафолатлаши лозим.

2.10. Банк ходимлари эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, Банкнинг мавжуд Мижозлари билан ўзаро алоқа қилиш жараёнида ҳам, янги ишбилармонлик

муносабатларини ўрнатишдан олдин ҳам эҳтимолий манфаатлар қарама-қаршилигини идентификация қилишда қатнашиши ҳамда фақат Банк манфаатлари йўлида ҳаракат қилишлари керак.

### **III. Банкнинг мансабдор шахслари томонидан ҳаракатлар ва битимлар амалга оширилганида ҳамда улар томонидан ахборот ошкор этилганида манфаатлар қарама-қаршилигининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш**

3.1. Банк ходимида манфаатлар қарама-қаршилигининг пайдо бўлишига ва/ёки Банкнинг ички норматив ва буйруқ ҳужжатларининг талаблари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлик юзага келиши мумкин бўлган амалиёт ёки битимни амалга ошириш кўзда тутилаётган ҳолатларда, бундай амалиёт ёки битим амалга оширилишидан олдин ходим мазкур Низомнинг 2-иловасидага шаклда “Манфаатлар қарама-қаршилиги эҳтимоли ҳақида Ариза” (қуйида - “Ариза”) ва/ёки мазкур Низомнинг 3-иловасидаги шаклда Битимни амалга оширишга сўровни тўлдириши ҳамда Комплаенс-назорат ходимлари ва Банк Кенгашининг розилигини олиши шарт.

3.2. Банк ходимининг ўз вазифаларини тегишли тарзда бажаришига таъсир қиладиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган Банк ходимининг шахсий манфаатдорлиги деганда, ходим томонидан ўз вазифаларини бажариши жараёнида, ўзи ёки учинчи шахслар учун пул, қимматликлар, ўзга мулк ёки мулкый характердаги хизматлар, бошқа мулкый ҳуқуқлар кўринишидаги даромадларни олиш имконияти тушунилади.

3.3. Ходим қуйидаги ҳолатларда амалиёт ёки битимни амалга оширишдан шахсан манфаатдор шахс бўлиши мумкин:

а) Банк ходими, Банк ходимининг қариндош(лар)и ёки алоқадор юридик шахслар амалиёт ёки битимнинг томонларидан бири ҳисобланади ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашади;

б) амалиёт ёки битимнинг томонларидан бири ҳисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашаётган алоқадор юридик шахснинг бошқарув органларида лавозимни эгаллаган Банк ходими ёки Банк ходимининг қариндошлари;

в) Банк ходими ўзининг лавозими бўйича вазифалари туфайли алоқадор юридик шахс билан шартнома тузиш, уни ўзгартириш, тўхтатиш ёки бажариш ишларида Банк томонидан қатнашади, шу жумладан қуйидагиларда иштирок этади, аммо улар билан чекланмайди:

1) шартномани тузиш, ўзгартириш ёки тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилиш, шартноманинг молиявий шартларини белгилаш, ҳужжатларни текшириш, хат-хабарларни қабул қилиш ва олиш, алоқадор юридик шахс билан шартнома тузиш билан боғлиқ эҳтимолий таваккалчиликларни тавсифлаш.

3.4. Банк ходимларининг учинчи ташкилотлар/Банк шўъба тузилмаларининг кузатув кенгашларидаги аъзолиги (қуйида – “иштирок этиш”) Комплаенс-назорат ходимларини хабардор қилиш ҳамда Банк Кенгаши билан мувофиқлаштириш мақсадларида Аризада мажбурий акс этирилиши керак. Банк Кенгаши билан мувофиқлаштирилмасдан туриб иштирок этиш қатъиян тақиқланган.

#### **IV. Банкдаги мансабдор шахсларнинг манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келгани ҳақида Кузатув кенгашини хабардор қилиши бўйича мажбуриятлари**

4.1. Банкнинг исталган ходими манфаатлар қарама-қаршилигини, шу жумладан эҳтимолий манфаатлар қарама-қаршилигини Комплаенс-менежерга ва Банкнинг Кузатув кенгашига ошкор этиши шарт. Агар у ёки бу фаолият ходимнинг лавозим вазифаларидан ташқарида экани шу ходимга тушунарли бўлмаса, унда ходим ва/ёки унинг раҳбари Комплаенс-менежер билан маслаҳатлашиши лозим.

4.2. Ошкор этиш тартиби мазкур Низомнинг VI-бўлимида, мазкур Низомга 2-Илова шаклда белгиланган. Мазкур тартиб тўғрисида меҳнат шартномаси тузилаётган пайтда ходимга маълум қилинади.

4.3. Банк ходими қуйидаги ҳолатларда ишдаги корпоратив почтадан Комплаенс бўлинмасининг электрон манзилига “Манфаатлар қарама-қаршилиги эҳтимоли ҳақида ариза” мавзусини кўрсатган ҳолда тўлдирилган Аризани юбориши шарт:

- 1) Банк ходими Банкка алоқадор шахслар рўйхатига киритилган бўлса;
- 2) ходимга нисбатан қуйидаги шартлар бажарилаётган бўлса:

а) Банк ходими ёки Банк ходимининг қариндоши алоқадор юридик шахс иштирокчиси, қимматли қоғозлар эгаси, бенефициар эгаси (Мижознинг ҳақиқий эгаси), ваколатли вакили, Директорлар кенгашининг ёки коллегиял ижрочи орган аъзоси ҳисобланади;

б) Банк ходими ўзининг лавозими бўйича вазифалари туфайли алоқадор юридик шахс билан шартнома тузиш, уни ўзгартириш, тўхтатиш ёки бажариш ишларида Банк томонидан қатнашади; шу жумладан қуйидагиларда иштирок этади, аммо улар билан чекланмайди:

1) шартномани тузиш, ўзгартириш ёки тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилиш, шартноманинг молиявий шартларини белгилаш, ҳужжатларни текшириш, хат-хабарларни қабул қилиш ва олиш, алоқадор юридик шахс билан шартномани тузиш билан боғлиқ эҳтимолий таваккалчиликларини тавсифлаш.

4.4. Банк ходимлари ҳар календарь йилининг 31 (ўттиз биринчи) январига қадар бўлган муддатда ўтган йилнинг 31 (ўттиз биринчи) декабрь ҳолати бўйича Аризада акс эттирилган маълумотларнинг ўзгаргани ёки ўзгармаганини тасдиқлаши шарт. Тасдиқлаш ишлари “Манфаатлар қарама-қаршилиги эҳтимоли ҳақида ариза” мавзуси кўрсатилган тўлдирилган Аризани корпоратив почтадан комплаенс бўлинмасининг электрон манзилига юбориш орқали амалга оширилади.

4.5. Ариза шаклида мажбурий тартибда қуйидаги воқеалар ошкор этилади (Аризани имзолаш пайтига мавжуд бўлганида ва кейин улар юз берганида ошкор этилади):

а) махсус ҳақ тўланадиган ва ходимлар, Мижозлар ва Банк ўртасида манфаатлар қарама-қаршилигининг пайдо бўлишига туртки бўладиган Банкдан ташқари ҳар қандай фаолият;

б) Банк Мижозининг бошқарув органларидаги ҳар қандай иштироклар, шу жумладан беғаразлик асосидаги иштироклар;

в) давлат ҳокимияти органларидаги ёки ҳар қандай шаклда давлат мулкида бўлган корхоналардаги фаолият;

- г) ҳар қандай учинчи шахс номидан эгаллик қилиш;
- д) лавозими бўйича вазифаларидан ташқаридаги инвестицион консултациялар бўйича барча ўзаро муносабатлар;
- е) иккиламчи бозорда молиявий воситалар ва товарларни бирламчи жойлаштириш, харид қилиш ёки сотишдаги иштироки бўйича Банк ходимининг шахсий маблағлари ҳисобидан ёки Банк ходими қариндошларининг ёки алоқадор юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилган барча битимлар / топшириқлар;
- ё) Банк Кенгаши, Бошқаруви ёки Банкнинг манфаатдорлиги ёки иштирокининг улуши мавжуд бўлган бошқа компаниянинг ижрочи органида (лавозими бўйича вазифаларидан ташқаридаги) иштироки бўйича барча таклифлар;
- ж) Банк кредитор сифатида қатнашадиган компанияларни ва/ёки лойиҳаларни молиялаштириш ишларида шахсий активлар билан иштирок этиш бўйича барча таклифлар;
- з) амалиётлар ва битимларнинг исталган босқичида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай эҳтимолий манфаатлар қарама-қаршилиги.

4.6. Комплаенс-менежер ва Банк Кенгашининг мустақил аъзоси (мустақил аъзолари) биргаликда Банк ва унинг ходимлари фаолиятида манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келиши мумкин бўлган соҳаларни аниқлайди, манфаатлар қарама-қаршилиги пайдо бўлишининг олдини олиш, уларни бошқариш ва бартараф этиш бўйича чоралар қўлланишини ташкил этади.

## **V. Банкнинг мансабдор шахслари томонидан ҳаракатлар ва битимлар амалга оширилганида ҳамда улар томонидан ахборот ошкор этилганида манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келиши эҳтимолини олдини олиш**

5.1. Банкнинг бошқарув органлари ва Банкнинг барча ходимлари эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар ўзларининг профессионал фаолиятида қуйидаги базавий тамойилларга амал қилиши лозим:

- а) иш бўйича муносабатларда ҳалол ва виждонли бўлиш, ишларни юритишнинг ҳар қандай инсофсиз усулларида тийилиш;
- б) хизмат вазифасидан, лавозими бўйича ваколатларидан, махфий ахборотдан, Банкнинг моддий ва номоддий активларидан шахсий мақсадларда фойдаланмаслик;
- в) профессионал фаолиятда қонундан ташқари ва ноқонуний ҳаракатларга ёки қонунийлиги ва ахлоқийлигига нисбатан шубҳа туғилиши мумкин бўлган ҳаракатларга йўл қўймаслик;
- г) иш бўйича муносабатларда манфаатлар қарама-қаршилигини келтириб чиқарувчи ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлардан тийилиш, иш бўйича муносабатлар иштирокчиларининг манфаатларини мувозанатлаштириш асосида юзага келган низоларни бартараф этишга интилиш.

5.2. Банк манфаатлар қарама-қаршилигига нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши зарур:

- а) идентификациялаш;



б) қайд этиш;

в) назорат қилиш;

г) йўл қўймаслик (эҳтимолий манфаатлар қарама-қаршилиги содир бўлишига йўл қўймаслик);

д) манфаатлар қарама-қаршилигини ошкор этиш (агар унга йўл қўймасликнинг имкони бўлмаса).

5.3. Банк ходимлари молия ва товар бозорларида шахсий манфаатларда Банк номидан амалиётларни амалга оширмаслиги керак:

а) Банк ходимлари, уларнинг қариндошлари ёки алоқадор юридик шахслар тузилаётган битимда Банкка нисбатан иккинчи томон (Мижоз, контрагент ёки фойдани харид қилувчи) бўлганида ёки уларда вакил ёки воситачи сифатида қатнашганида, Банк билан шундай битимларни тузиш;

б) Шахсий позициядан даромад олиш мақсадида молиявий воситаларнинг нархлари билан манипуляция қилиш.

5.4. Банк ходимлари амалиётлар ёки битимларни фақат Банкнинг ички норматив ва буйруқ ҳужжатларида белгиланган савдо фаолликлари бўйича лимитлар ва чекловлар доирасида амалга оширишлари мумкин. Белгиланган лимитларни ўзгартиришга, белгиланган лимитларни ошириш сабабларини асослаган, маблағларнинг келиб чиқиш манбаини ва битимнинг тахминий параметрларини (агар қўллаш мумкин бўлса) ошкор этган ҳолда, комплаенс ходимлар билан келишган ҳолда йўл қўйилади.

5.5. Келишув Банкнинг ички норматив ва буйруқ ҳужжатларига мувофиқ, электрон кўринишда, комплаенс бўлинманинг электрон манзилига хабар юбориш орқали амалга оширилади. Дастлабки келишув Битимни амалга оширишга сўров форматида амалга оширилади (мазкур Низомга 3-илова).

5.6. Битимларни амалга ошириш якунлари бўйича амалга оширилган битим(лар) тўғрисидаги ҳисобот Комплаенс бўлинмасининг ходимларга электрон почта орқали юборилади.

5.7. Манфаатлар қарама-қаршилигини олдини олиш ва уни ўз вақтида ошкор этиш мақсадларида Банкнинг ички ҳисобга олиш тизимларига маълумотларни киритиш учун масъул бўлган Банк ходимлари комплаенс ходимлардан олинган ахборотлар асосида уларда Мижознинг мақоми (“Ходим”, “Ходимнинг қариндоши” ёки “Боғланган юридик шахс”) ҳақидаги ахборотни қайд этади.

5.8. Эҳтимолий манфаатлар қарама-қаршилигининг олдини олиш мақсадларида қуйидаги тамойилларга таяниш зарур:

а) совғалар – умумий қоидага биноан Банк ходимлари эҳтимолий манфаатлар қарама-қаршилигини келтириб чиқарувчи совғаларни қабул қилишга ҳақли эмас (“Акциядорлик-тижорат “Алоқабанк”нинг комплаенс Сиёсати”га қаранг);

б) мувофиқлаштиришни талаб этадиган ҳаракатлар – эҳтимолий манфаатлар қарама-қаршилиги юз беришини олдини олиш учун мазкур Низомда тавсифланган хатти-ҳаракатлар (мазкур Низомнинг 4.3. ва 4.5.-бандларига қаранг) комплаенс ходимлар билан дастлабки мувофиқлаштиришни талаб этади;

в) мустақиллик – Банкнинг барча ходимлари ўз функцияларини ташқи ҳолатлардан қатъий назар ва тасдиқланган лавозим йўриқномалари доирасида фаолият юритишларини кафолатлашлари керак;

г) махфийлик соҳаларини яратиш – тегишли ахборот билан алоҳида ишлаш режими Банк ва Мижозлар ўртасида манфаатлар қарама-қаршилиқ хавфини минимумга етказди;

д) инвестицион консултация бериш ва молиявий таҳлил – консултация бериш билан боғлиқ ҳар қандай хизматларни кўрсатишда, Мижоз манфаатлари биринчи даражали аҳамиятга эга;

е) Мижозларнинг активлари – Мижознинг молиявий воситалар ва фондларга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларида Мижознинг активлари исталган пайтда ва зудлик билан Банкнинг ўз активларидан ажратилиши мумкинлигини кафолатлаш керак;

ё) Банкнинг ўз манфаатларида савдо қилиши – қимматли қоғозлар бўйича / пул маблағлари билан савдо амалиётларини ўз позицияси фойдасига амалга оширишда Банк инсайдерлик ахборотидан фойдаланмайди;

ж) қимматли қоғозларни чиқариш – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ амалга оширилади;

з) молиялаштириш – Мижознинг ҳақиқий эгалари / компаниянинг бенефициар эгалари / топ-менежерлари / муассислари бўлган Банк ходимлари консултациялар беришда ва тегишли компания билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда иштирок эта олмайди.

## **VI. Манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазиятларни бартараф этиш регламенти**

6.1. Манфаатлар қарама-қаршилигини бошқариш учун қуйидаги амалиётлар қўлланилади:

а) Манфаатлар қарама-қаршилиги мавжудлиги ҳақидаги ахборотни ошкор этиш;

б) бизнес-жараёнлар ва бизнес-жараёнларнинг алоҳида босқичлари орасида “Хитой деворлари”ни ўрнатиш, яъни ахборотни бериш бўйича чекловлар кўзда тутилган бўлинмалар ўртасидаги тартибга солинган ўзаро муносабатларни ўрнатиш, бунда амалиётларни бажариш, уларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш ваколатлари чекланган бўлади;

в) манфаатлар қарама-қаршилигини бошқариш бўйича қарорларни қабул қилиш, манфаатлар қарама-қаршилигини бошқариш бўйича қарорларни қабул қилиш ваколатлари ва даражаларини қабул қилиш;

г) Банкда комплаенс-маданиятнинг юқори даражасини ўрнатиш;

д) манфаатлар қарама-қаршилиги мавжудлиги ҳақидаги ахборотни яшириш ёки бу ҳақда ёлғон ахборотни тақдим этиш учун жавобгарлик;

е) амалиётларни шахсий мақсадларда чеклаш ва уларни амалга оширишни тартибга солиш ва/ёки ўз хизмат вазифасидан шахсий мақсадларда фойдаланиш;

ё) манфаатдор бўлмаган учинчи шахсни тайинлаш, унга манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал этиш бўйича мажбуриятларни юклаш / банк Кузатув кенгашининг мустақил аъзосига (мустақил аъзоларига) манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал этиш бўйича мажбуриятларни юклаш.

6.2. Манфаатлар қарама-қаршилигининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш манфаатлар қарама-қаршилигининг бир томони бўлган ходимнинг ўз функционал вазифалари доирасида бажарадиган вазифалари ва аниқ топшириқларини ўзгартиришдан, ва/ёки манфаатлар қарама-қаршилиги пайдо бўлишига сабабчи бўлган фойдадан воз кечишидан иборат бўлиши мумкин. Алоҳида ҳолатларда манфаатлар қарама-қаршилигининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш манфаатлар қарама-қаршилигининг томонларидан бири ҳисобланган Банк ходимининг лавозим ёки хизмат мақомини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда ўзгартиришдан иборат бўлиши мумкин.

6.3. Агар олдини олувчи чораларга қарамасдан эҳтимолий ёки ҳақиқий манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келса, қуйидаги чораларни кўриш зарур:

1) мазкур Низомга 2-Илова шаклидаги “Манфаатлар қарама-қаршилиги эҳтимоли ҳақидаги ариза”ни ва/ёки мазкур Низомга 3-Илова шаклидаги Битимни амалга оширишга сўровни тўлдирган ҳолда Комплаенс-назорат ходимларни хабардор қилиш керак. Бунда қуйидаги ахборот кўрсатилади:

- а) манфаатлар қарама-қаршилигининг моҳияти;
- б) жалб этилган / жалб этилиши мумкин бўлган шахслар;
- в) манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал этиш учун Банк ходими / бўлинмаси томонидан кўрилган чоралар.

2) Барча эҳтимолий ва ҳақиқий манфаатлар қарама-қаршилиги комплаенс ходимлар томонидан “Манфаатлар қарама-қаршилиги эҳтимоли ҳақидаги имзоланган Аризаларни ҳисобга олиш” шаклида қайд этилади (мазкур Низомга 4-Илова);

3) Комплаенс-менежер ва Банк Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси (мустақил аъзолари) Банк ходимидан олинган ахборот асосида, манфаатлар қарама-қаршилиги мавжуд бўлган тақдирда, комплаенс ходимлар билан келишган ҳолда бизнес-бўлинма илгари қабул қилган ҳаракатларга қўшимча равишда яна қандай чоралар кўрилиши кераклиги ҳақида қарор қабул қилади. Қўшимча чораларни кўриш зарурати ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, қуйидаги шартларга амал қилиниши лозим:

- а) Мижознинг манфаати Банк манфаатларидан устун;
- б) Мижознинг манфаати бошқа Мижозларнинг манфаатига тенг.

Агар бирор-бир объектив сабаблар мавжудлиги туфайли кўрсатилган тамойилларга амал қилишнинг имкони бўлмаса, унда комплаенс ходимлар:

4) **амалиётларни амалга оширишдан бош тортиши мумкин**, бунда улар қуйидагича асосланган ёзма мулоҳазани юборади: агар низо чоралар кўрилишидан олдин идентификация қилинган бўлса ва қонун ёки шартнома бўйича амалиётни ўтказиш юзасидан бошқа мажбуриятлар мавжуд бўлмаса, Банк бир-бири билан низога киришган транзакцияларни ўтказишдан ўзини тортади, ёки

5) **манфаатлар қарама-қаршилигини ошкор этиши мумкин**: Мижоз ўзи учун самаралироқ бўлган қарорни қабул қилиши учун Банк транзакцияни ўтказишдан

олдин Мижозга манфаатлар қарама-қаршилигининг моҳияти ва сабабларини ошкор этади. Манфаатлар қарама-қаршилигини ошкор этишда Банк банк сири ва махфий ахборот соҳасидаги қонунчилик талабларига амал қилади.

6.4. Комплаенс ходимлар жорий назорат процедуралари доирасида ходимлар томонидан амалга оширилган амалиётларнинг мониторингини ўтказди ва агар амалдаги талабларнинг Банк ходимлари, уларнинг қариндошлари ёки алоқадор юридик шахслар фойдасига ёки манфаатига бузилгани аниқланса, аниқланган қоидабузарликни бартараф этиш бўйича чораларни кўриш ва/ёки ходимга нисбатан интизомий таъсир чораларини кўриш мақсадларида бу ахборотни Банк Раҳбариятига (шу жумладан Кузатув кенгашига), Ходимлар департаменти раҳбарига етказди. Белгиланган қоидалар бир неча марта бузилган тақдирда ходимга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилигига мувофиқ чоралар қўлланади.

Кенгаш аъзолари:

К. Ирисбекова

Ш. Хаджизадаев

Ш. Кадиров

Р. Мансуров

Б. Тоҳиров

Ш. Атамухамедов

Т. Иминов

Ф. Юлдашев

### **Манфаатлар қарама-қаршилиги бўйича мисоллар**

- Ўзаро рақобатчи бўлган ёки ўзаро низода бўлган бир нечта Мижоз учун бир вақтнинг ўзида молиявий консалтация хизматини кўрсатиш.
- Бир сектор ёки иқтисодиёт тармоғида фаолият кўрсатувчи иккита турли Мижозга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматларни кўрсатиш.
- Корхонада акцияларнинг назорат пакетига эга бўлиш ёки бошқа мулкдорларга эга корхонанинг Кузатув кенгашида вакилларнинг бор бўлиши, ушбу компанияга инвестицион-банк хизматларини тақдим этиш.
- Банкда сўралаётган хизматларни бевосита, тўғридан-тўғри учинчи шахсга кўрсатиш имконияти мавжуд бўлганида, учинчи шахс номидан чиқаётган юридик шахсга хизматларни тақдим этиш.
- Мижозга қўшилиш битими бўйича консалтация хизматларини тақдим этишда, Банк бир вақтнинг ўзида ушбу Мижозга кредит тақдим этади ёки ушбу Мижоздан активларни сотиб олади.
- Банк бирор-бир эмитентнинг қимматли қоғозларига ўз маблағларини жойлаган ва бир вақтнинг ўзида Мижозларга ўша эмитент борасида инвестицион консалтация хизматларини тақдим этмоқда.
- Ходим бирор-бир Мижозга эмитент билан эҳтимолий битимлар борасида консалтация хизматларини тақдим этувчи жамоанинг бир қисми ва ходим бир вақтнинг ўзида шу эмитентнинг қимматли қоғозларидан шахсий манфаатдор.
- Бир ташкилот ходими ўз меҳнат вазифаларини бажариш жараёнида ўзининг қариндошлари, дўстлари бўлган шахсларга ёки шу ходимнинг шахсий манфаатдорлиги билан боғланган бошқа шахсларга моддий ёки номоддий фойда келтириши мумкин бўлган қарорларни қабул қилишда қатнашади.
- Бир ташкилот ходими ёки шу ходимнинг шахсий манфаатдорлиги билан алоқадор бошқа шахс, ушбу ташкилот билан ишбилармонлик муносабатларига эга бўлган, шундай муносабатларни ўрнатмоқчи бўлаётган ёки унинг рақобатчиси ҳисобланган иккинчи ташкилотда ҳақ тўланадиган ишни бажариши.
- Бир ташкилот ходими ёки шу ходимнинг шахсий манфаатдорлиги билан боғланган бошқа шахс ушбу ташкилот билан ишбилармонлик муносабатларига эга бўлган ёки шундай муносабатларни ўрнатиш ниятида бўлган ёки унинг рақобатчиси ҳисобланган иккинчи ташкилотнинг қимматли қоғозларига эгалик қилганда.
- Бир ташкилот ходими ёки шу ходимнинг шахсий манфаатдорлиги билан алоқадор бошқа шахс ушбу ташкилот билан ишбилармонлик муносабатларига эга бўлган ёки шундай муносабатларни ўрнатиш ниятида бўлган ёки унинг рақобатчиси ҳисобланган иккинчи ташкилот олдида молиявий ёки мулкий мажбуриятларга эгалик қилганда.

- Бир ташкилот ходими ушбу ташкилотнинг иккинчи ташкилот билан ишбилармонлик муносабатларини ўрнатиши ҳақида қарор қабул қилади, бунда иккинчи ташкилот биринчи ташкилот ходими ёки шу ходимнинг шахсий манфаатдорлиги билан алоқадор бошқа шахс олдида молиявий ёки мулкый мажбуриятларга эга.
- Бир ташкилот ходими ёки шу ходимнинг шахсий манфаатдорлиги билан алоқадор бошқа шахс ушбу ташкилот билан ишбилармонлик муносабатларига эга бўлган ёки шундай муносабатларни ўрнатиш ниятида бўлган ёки унинг рақобатчиси ҳисобланган иккинчи ташкилотдан моддий бойликлар ёки хизматларни олмоқда.
- Бир ташкилот ходимида ушбу ташкилотнинг иккинчи ташкилот билан ишбилармонлик муносабатларини ўрнатиши, сақлаши ёки тўхтатиши ҳақидаги қарорни қабул қилиш ваколати бор, бунда биринчи ташкилот ходимида иккинчи ташкилотдан ишга қабул қилиш таклифи тушган.
- Бир ташкилот ходими ўз иш вазифаларини бажариш давомида ўзига маълум бўлган ахборотдан тижорат битимларини амалга ошириш жараёнида ўзи ёки ўзининг шахсий манфаатдорлиги билан алоқадор бошқа шахс учун фойда ёки рақобат устунликларини олиш мақсадида фойдаланади.

## Манфаатлар қарама-қаршилиги эҳтимоли тўғрисида ариза

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ шаҳри

### 1. Ҳисоблар ҳақида маълумотлар

Банк инсайдерлари рўйхатида киритилган шахслар ҳамда лавозими бўйича вазифаларига Банк номидан ва ҳисобидан, Банк ёки Мижоз номидан ва Мижоз(лар) ҳисобидан ёки у(лар)нинг топшириғи бўйича ёки билдирилган ишонч асосида бошқарувчи муассис(лар)нинг маблағлари ҳисобидан бевосита савдо амалиётларини амалга ошириш кирадиган шахслар томонидан тўлдирилади.

Мазкур Ариза тўлдирилган санага мен ва/ёки менинг қариндошларим<sup>2</sup> ва/ёки боғланган юридик шахслар<sup>3</sup> томонидан очилган брокерлик ҳисоблари ҳақидаги маълумотларни маълум қиламан:

№ т/р	Мулқдорнинг номи	Брокерлик ҳисобининг рақами	Брокернинг номи	Ҳисоб очилган сана

### 2. Қимматли қоғозлар ҳақида маълумотлар

Банк Мижозлари (алоқадор юридик шахслар) ҳисобланган ёки Банк Мижозлари бўлишни режалаштираётган юридик шахслар томонидан чиқарилган, мен ва/ёки менинг қариндошларимга мулкчилик ҳуқуқи асосида тегишли бўлган қимматли қоғозлар ҳақидаги маълумотларни маълум қиламан:

№ т/р	Номинал эгалик қилувчининг / мулкдорнинг номи, қимматли қоғозлар сақланадиган жой	Қимматли қоғозлар тури	Эмитент	Сони (дона)

### 3. Алоқадор юридик шахслардаги иштироки тўғрисида маълумотлар

<sup>2</sup>Банк ходимининг қариндошлари– ходим билан бир уйда истиқомат қилувчи аждодлар шажараси ва авлодлар шажараси бўйича тўғридан-тўғри қариндошлар (ота-она ва болалар, бувилар, боболар ва неваралар), тўлиқ аймоқли ва тўлиқ бўлмаган аймоқли (умумий ота ёки онага эга) ака-укалар ва опа-сингиллар, эр ва эрининг ота-онаси, шунингдек молиявий аҳволи ходимга боғлиқ бўлган ёки ходим уларга нисбатан молиявий қарамликда бўлган бошқа оила аъзолари.

<sup>3</sup>Боғланган юридик шахс – Банк ходими ёки Банк ходимининг қариндоши иштирокчи, қимматли қоғозларнинг эгаси, бенефициар эгалик қилувчи (Мижознинг ҳақиқий эгаси), яқка ижрочи орган, ваколатли вакил, юридик шахснинг Директорлар кенгаши ёки коллегиял ижрочи органи аъзоси бўлган Банкда Мижоз ёки контрагент ҳисобланган ёки шундай бўлишни режалаштираётган юридик шахс.

Ариза берувчи ва/ёки унинг қариндошларининг иштироки расмийлаштирилган юридик шахснинг номи кўрсатилади (шу жумладан, агар у (улар) Мижознинг бенефициар эгаси(лари) бўлса).

Иштирок суммаси Ариза тузилган санага юридик шахснинг умумий капиталидаги улушини кўрсатган ҳолда миллий валютада (ёки АҚШ долларларида) кўрсатилади.

№ т/р	Банк / юридик шахс номи	Иштирок суммаси	Иштирок валютаси

#### 4. Алоқадор юридик шахсларнинг ижрочи ва кузатув органларидаги иштироки ҳақида маълумотлар:

Ариза берувчи ва/ёки унинг қариндоши иштирок этаётган ёки мансабдор шахси бўлган алоқадор юридик шахснинг номи кўрсатилади.

Иштирок тури кўрсатилади (Кузатув кенгашидаги иштироки, Директорлар кенгашидаги иштироки, Бошқарувдаги иштироки, ЯИО<sup>4</sup>ва ҳ.к.).

№ т/р	Банк / юридик шахс номи	Иштирок тури

#### 5. Бошқа ҳолатлар

№ т/р	Манфаатлар қарама-қаршилиги эҳтимоли

Аризада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлигини шундай ҳаққонийликни назорат қилишга қодир бўлганлигим тўғрисида тасдиқлайман.

Манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келишининг олдини олиш мақсадларида АТ “Алоқабанк” (қуйида – “Банк”) томонидан мазкур Аризада кўрсатилган менинг шахсий маълумотларимга исталган усулда фойдаланилишига розиман.

Шунингдек мен, мазкур Аризада кўрсатилган қариндошларимнинг шахсий маълумотларига мен ва Банк томонидан фойдаланилишига (шу жумладан Банкка берилишига) ёзма розиликни олганимни ҳам тасдиқлайман.

2 (икки) тақвим ойи ичида Комплаенс бўлинмага қариндошларимнинг шахсий маълумотларидан фойдаланилишига қариндошларимнинг ёзма розилигини тақдим этиш мажбуриятини оламан.

<sup>4</sup>Якка ижрочи орган.



Банк ходими \_\_\_\_\_  
(ФИШ, лавозими, бўлинмаси)

Паспорт маълумотлари: \_\_\_\_\_

Алоқа телефони: \_\_\_\_\_

Имзо: \_\_\_\_\_

Банк Кузатув кенгашининг аъзоси («Мувофиқлаштирилди»)<sup>5</sup>:

\_\_\_\_\_  
(ФИШ, имзо)

Комплаенс-менежер («Мувофиқлаштирилди»)<sup>6</sup>:

\_\_\_\_\_  
(ФИШ, имзо)

<sup>5</sup> Банк Кузатув кенгаши аъзосининг визаси фақат Ариза бандлари бўйича ахборот мавжуд бўлганидагина талаб этилади.

<sup>6</sup> Тақдим этилган маълумотларни COMPLAINTS-менежер билан мувофиқлаштириш барча ҳолатларда талаб этилади.

**Битимни амалга оширишга сўров**

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ шаҳри

<b>Ходимнинг ФИШ</b>	
<b>Мижознинг номи</b>	
<b>Сўров тузилган сана</b>	
<b>Битим йўналиши (харидқилиш/ сотиш)</b>	
<b>Активнинг номи</b>	
<b>Қимматли қоғозлар сони</b>	
<b>Буйруқ тури</b>	
<b>Нарх, нарх валютаси</b>	
<b>Битим ҳажми, битим валютаси</b>	
<b>Савдо майдончаси, савдолар режими</b>	
<b>Брокер</b>	
<b>Контрагент</b>	
<b>Бевосита раҳбар имзоси, сана</b>	
<b>Комплаенс бўлинмаси ходимининг имзоси, сана</b>	

Банк ходими: \_\_\_\_\_

(ФИШ, лавозими, бўлинмаси)

Алоқа телефони: \_\_\_\_\_

Имзо: \_\_\_\_\_

*“Манфаатлар қарама-қаршилиги  
вақтида ҳаракат қилиш тартиби  
тўғрисида”ги Низомга 4-илова*

**Манфаатлар қарама-қаршилиги эҳтимоли ҳақидаги имзоланган Аризаларни ҳисобга олиш**

<b>Ходим (тўлиқ ФИШ)</b>	<b>Бўлинмаси</b>	<b>Лавозими</b>	<b>Имзоланган сана</b>	<b>Ҳолати («+» - ҳужжат имзоланган, «-» - ҳужжат имзоланма- ган)</b>	<b>Жорий мақоми («+» - манфаатлар қарама- қаршилиги бор / ҳисоблар мавжуд, «-» - манфаатлар қарама- қаршилиги йўқ / ҳисоблар йўқ)</b>	<b>Манфаатлар қарама- қаршилигининг моҳияти / ҳисоблар ҳақидаги маълумотлар</b>	<b>Манфаатлар қарама- қаршилигини ҳал этиш учун кўрилган чоралар</b>